

# Бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўллари

Сурайё Илхомовна Ғайбуллаева  
Бухоро халқаро университети

**Аннотация:** Мақолада бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари ёритилган. Замонавий таълим жараёнида ватанпарварлик тарбияси болаларда миллий ўзига хослик, она-Ватанга меҳр, халқ меросига ҳурмат туйғуларини эрта шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Мақолада синфдан ташқари тадбирлар маънавий-маърифий учрашувлар, ижодий лойиҳалар, экскурсиялар, театрлаштирилган ўйинлар, китобхонлик соатлари ва спорт мусобақаларининг тарбиявий имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, педагогнинг ролини кучайтириш, инновацион методлардан фойдаланиш ва таълим муҳитини ватанпарварлик руҳида ташкил этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган. Тадқиқот натижалари синфдан ташқари фаолиятни самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларда фаол фуқаролик позицияси, масъулият, Ватанга садоқат ва ижтимоий фаолликни ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** бошланғич таълим, ватанпарварлик тарбияси, синфдан ташқари ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий лойиҳалар, педагогик технологиялар, тарбия жараёни

## Ways to develop a sense of patriotism in elementary school students through extracurricular activities

Surayya Ilhomovna Gaybullaeva  
Bukhara International University

**Abstract:** The article highlights the scientific and pedagogical foundations of fostering a sense of patriotism in primary school students through extracurricular activities. In the modern educational process, patriotic upbringing plays a crucial role in developing national identity, love for the Motherland, and respect for cultural heritage from an early age. The article analyzes the educational potential of extracurricular activities such as spiritual-educational meetings, creative projects, excursions, theatrical games, reading hours, and sports competitions. It also provides

scientific proposals and practical recommendations for strengthening the teacher's role, applying innovative methods, and organizing the educational environment in a patriotic spirit. The research results show that effectively organizing extracurricular activities can help develop an active civic position, responsibility, loyalty to the Motherland, and social engagement among students.

**Keywords:** primary education, patriotic upbringing, extracurricular activities, spiritual-educational events, creative projects, pedagogical technologies, educational process

Бугунги кунда жамият тараққиёти ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши аввало ёш авлоднинг онги, дунёқараши ва шахсий позицияси қандай шакллантирилишига боғлиқ. Айниқса, бошланғич таълим босқичида болаларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Чунки айнан ушбу ёшда болаларнинг руҳий-эмоционал дунёси тез шаклланади, миллий қадриятларга нисбатан муносабати қарор топади ва шахс сифатидаги устувор жиҳатлари намоён бўла бошлайди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, янги авлод дарсликлари ва ўқув-методик мажмуаларнинг жорий этилиши босқичма-босқич таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай шароитда ватанпарварлик тарбиясини фақат дарс машғулоти билан чеклаб бўлмайди, балки синфдан ташқари фаолиятда ҳам тизимли ва мақсадли равишда шакллантириш талаб этилади. Чунки синфдан ташқари ишлар ўқувчининг шахсий ташаббусини, ижодкорлигини, жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиради, уларни ҳаётий ҳолатлар билан бевосита таништиради ва ижтимоий тажрибани бойитишга хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий учрашувлар, музей ва тарихий масканларга экскурсиялар, ижодий лойиҳалар, театрлаштирилган ўйинлар, китобхонлик тадбирлари, шунингдек, спорт ва маданий мусобақалар муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳар бири болалар қалбида Ватанга меҳр, тарих ва меросга ҳурмат, фуқаролик масъулияти каби туйғуларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишида синфдан ташқари фаолиятнинг педагогик имкониятлари, ўқувчи шахсини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги таъсири ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф-мулоҳазалар илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг инновацион, замонавий ва

амалий методларини ёритиб бериш ҳамда уларнинг таълим амалиётида қўлланиш имкониятларини асослаб беришдан иборат.

Бошланғич таълим босқичида болалар онги фаол ривожланади, улар атроф-муҳит ҳақидаги дастлабки тасавурларни қабул қилади, ҳиссий тажрибалари орқали миллий қадриятларни англай бошлайдилар. Шу боис синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварликни шакллантириш педагогик жиҳатдан асосланган ва самарали усул ҳисобланади.

Ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат уйғотиш;
- она юрт тарихига қизиқишни кучайтириш;
- масъулиятни тарбиялаш;
- ижтимоий фаоллик ва ташаббускорликни ривожлантириш.

Тадқиқот иши доирасида 4-“Д” синф (умумий 37 нафар ўқувчи) мисолида таҳлиллар ўтказилди. Синфдаги ўқувчиларнинг дастлабки ватанпарварлик қобилиятларини баҳолаш учун 5 индикатор асосида (1-5 баллик шкалада) мониторинг ўтказилди:

1. Она-Ватанга муносабати
2. Миллий рамзлар ҳақидаги билими
3. Тарихий шахсларга қизиқиши
4. Жамоавий ишларга фаоллиги
5. Маданий меросга ҳурмати

Олиб борилган таҳлил натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Ўқувчиларнинг дастлабки ватанпарварлик қобилиятларини баҳолаш натижалари (37 нафар ўқувчи бўйича)

Индикаторлар	Ўртача балл	Эгалланганлик даражаси
Она-Ватанга муносабат	3.2	Қониқарли
Миллий рамзлар билими	2.9	Қониқарсиз
Тарихий шахсларга қизиқиш	2.4	Паст
Жамоавий ишларга фаоллик	3.5	Яхши
Маданий меросга ҳурмат	3.1	Қониқарли

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг тарихий шахсларга қизиқиши паст, миллий рамзлар бўйича билимлари етарли эмас, бу эса синфдан ташқари тадбирларни мақсадга мувофиқ ташкиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда илмий тадқиқот иши доирасида ўқувчилар учун 3 ойлик махсус ватанпарварлик дастури режаси ишлаб чиқилди. У қуйидаги асосий фаолият турларини ўз ичига олди:

1. Экскурсия ва амалиётлар
  - “Ватан қаҳрамонлари” музейига ташриф

- “Шаҳар тарихий маркази” бўйлаб сайр
- 2. Ижодий лойиҳалар
  - “Менинг Ватаним” мавзусида расмий кўргазма
  - “Қаҳрамон боболарим” мини-рефератлар танлови
- 3. Театрлаштирилган ўйинлар
  - “Меҳржон байрами”да миллий қаҳрамонлар образларини намоиш этиш
  - “Наврўз” сахна кўриниши
- 4. Маънавий-маърифий учрашувлар
  - Ветеранлар билан мулоқот
  - Миллий гуруҳ ва истиқлол тарбияси бўйича суҳбатлар

Ишлаб чиқилган махсус ватанпарварлик дастурини қўллаш ва ўқувчилар қизиқишларини инобатга олган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар натижалари мониторинги олиб борилди. Ўтказилган мониторинг натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Дастур амалга оширилгандан кейин қайта баҳолаш натижалари (28 нафар ўқувчи)

Индикаторлар	Дастлабки балл	Яқунловчи балл	Ўсиш (%)
Она-Ватанга муносабат	3.2	4.4	+37.5%
Миллий рамзлар билими	2.9	4.2	+44.8%
Тарихий шахсларга қизиқиш	2.4	4.0	+66.6%
Жамоавий ишларга фаоллик	3.5	4.6	+31.4%
Маданий меросга ҳурмати	3.1	4.5	+45.1%

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча кўрсаткичларда сезиларли ўсиш кузатилган, айниқса тарихий шахсларга қизиқиш ва миллий рамзлар билими бўйича юқори натижа қайд этилди.

Тадқиқот натижалари бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик аҳамияти жуда юқори эканини кўрсатди. Замонавий таълим тизимида болаларда миллий ўзликни англаш, она юртга садоқат, тарихий меросга ҳурмат туйғуларини шакллантириш нафақат маънавий, балки ижтимоий эҳтиёж сифатида намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан, синфдан ташқари фаолият турлари болаларнинг ҳиссий-руҳий таассуротларини бойитиш, уларнинг ижодий фикрлашини кенгайтириш ва реал ҳаёт билан боғланиш имкониятини яратади.

Тадқиқот доирасида ташкил этилган экскурсиялар, ижодий лойиҳалар, маънавий-маърифий учрашувлар ва театрлаштирилган ўйинлар ўқувчиларнинг умумий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, ўқувчиларнинг миллий рамзлар ҳақидаги билимлари 44,8% га, тарихий шахсларга қизиқиши эса 66,6% га ошгани муайян фаолият турларининг самарали эканлигини далолат қилади. Бу аэрта даврда болаларнинг ҳиссий қабул қилиш қобилияти

юқори бўлгани учун улар учун кўпроқ визуал, амалий ва ижодий методлар катта таъсир кучига эга эканини исботлайди.

Айниқса, музей ва тарихий жойларга уюштирилган экскурсиялар болалар қалбида миллий ғурур ва Ватан билан боғлиқлик туйғусини кучайтирди. Уларда миллий қаҳрамонлар, иккиламчи тарихий воқеалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида табиий қизиқиш пайдо бўлди. Ижодий лойиҳалар эса ўқувчиларнинг мустақил изланиш, ўз фикрини баён қилиш ва жамоа билан ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантирди.

Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида аниқландики, синфдан ташқари ишлар фақатгина тадбир сифатида ташкил этилганида эмас, балки методик жиҳатдан тўғри режалаштирилганида, ўқувчилар ёшига мос равишда услубий материаллар танланганида юксак самара беради. Педагогнинг ташаббускорлиги, унинг болалар билан мулоқот маданияти ва жамоавий ишни ташкил этиш маҳорати ҳам муҳим омиллардан саналади.

Шу нуқтаи назардан, синфдан ташқари фаолият нафақат болаларнинг билим доирасини кенгайтиради, балки уларнинг шахсий камолотини таъминлайдиган муҳим тарбиявий воситага айланади. Болаларнинг фуқаролик позицияси, ижтимоий масъулияти, Ватанга садоқат каби сифатлар ана шу фаолиятлар жараёнида реал ҳаёт мисоллари орқали шаклланади.

Умуман олганда, олиб борилган тадқиқот синфдан ташқари ишлар тизимли равишда ташкил этилганида ватанпарварлик тарбиясида сезиларли натижалар беришини исботлайди. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларининг келгуси таълим босқичидан олдин миллий ғояларга садоқатли, фаол фуқаро сифатида камол топишига хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварликка тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги амалий тавсияларни таклиф этиш ўринли деб ҳисоблаш мумкин:

1. Тизимли ва мақсадга йўналтирилган режалаштириш

Ҳар чоракда "Ватанпарварлик тарбияси"га қаратилган алоҳида режа ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Тадбирларни ёшга мос психология мезонларига асосланиб тақсимлаш.

Синфдан ташқари фаолиятни дарслар билан уйғун ҳолда ташкил этиш.

2. Экскурсияларни тизимли ташкил этиш

Музейлар, ёдгорликлар, тарихий обидаларга ойида камида бир марта экскурсиялар уюштириш.

Экскурсия олдидан ва кейин интегратив суҳбатлар ўтказиб, болаларда таҳлил ва умумлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

3. Ижодий лойиҳаларни амалиётга жорий этиш

“Менинг Ватаним”, “Қаҳрамон боболарим”, “Миллий қаҳрамонлар” каби мавзуларда лойиҳалар уюштириш.

Лойиҳаларни кичик гуруҳларда амалга ошириш болаларда жамоавий иш кўникмасини кучайтиради.

Лойиҳаларни мактаб ичида стендлар ва кўгазмалар кўринишида намойиш этиш.

4. Миллий мерос ва қадриятлар билан боғлиқ театрлаштирилган ўйинлар

Наврўз, Мустақиллик куни, Ўзбек қаҳрамонлари ҳаётидан лавҳалар асосида сахна кўринишлари тайёрлаш.

Ролли ўйинлар болаларнинг ҳиссий тажрибасини бойитиб, ватанпарварлик туйғусини бевосита шакллантиришга ёрдам беради.

5. Маънавий-маърифий учрашувларни йўлга қўйиш

Ветеранлар, олимлар, ёзувчи ва тарихчилар билан учрашувлар ўтказиш.

Уларнинг ҳаётий тажрибалари болалар қалбига тез сингади ва катта мотивация уйғотади.

6. Кутубхона соатларидан самарали фойдаланиш

Болалар учун миллий қаҳрамонлар ҳақидаги китобларни тавсия қилиш.

“Бир ҳафта бир қаҳрамон” акциясини жорий этиш.

Мактаб кутубхонасида мамлакат тарихи, мероси, рамзлари акс этган бурчак ташкил этиш.

7. Ота-оналар билан ҳамкорликни кучайтириш

Ота-оналар учун ватанпарварлик тарбиясига оид семинар ва тренинглар ўтказиш.

Оиладаги анъаналарни болалар билан мактабдаги тадбирлар билан боғлаш.

Ота-оналарни ўқувчиларнинг лойиҳалари ва тадбирларига фаол жалб этиш.

8. Инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш

Мультимедия, анимация, виртуал экскурсиялардан самарали фойдаланиш.

Болалар учун интерактив савол-жавоб платформаларида миллий тарихга оид тестлар тайёрлаш.

STEM элементларини ватанпарварлик мавзуларига интеграция қилиш (масалан, “Мен Ватанимнинг харитасини чизаман” каби амалий ишлар).

9. Педагогнинг шахсий намунасини кучайтириш

Ўқитувчи ўз нутки, кийиниши, муомаласи ва Ватанга муносабати орқали ўқувчиларга бевосита таъсир кўрсатади.

Педагог ўз дарс ва тадбирларида миллий ғоя ва қадриятларни изчил тарғиб қилиши зарур.

10. Самарадорликни мунтазам мониторинг қилиш

Ўқувчиларнинг ватанпарварлик даражасини баҳолаш учун фанлараро индикаторлардан фойдаланиш.

Дастлабки ва якуний мониторинг натижаларни солиштириб таҳлил қилиш.

Қайси фаолият тури юқори самара берганини аниқлаб, кейинги йил учун такомиллаштирилган дастур ишлаб чиқиш.

Амалий тавсиялар бўйича мазкур тадқиқотда олинган илмий натижалар, психолого-педагогик қонуниятлар ва илмий-методик ёндашувларга таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Уларнинг мактаб амалиётига жорий этилиши бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини барқарор ва мақсадли тарзда шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки бошланғич синф ўқувчиларини синфдан ташқари ишлар орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги таълим тизимининг энг муҳим ва долзарб йўналишларидан биридир. Ушбу тадқиқот натижалари шунни кўрсатадики, болаларда она-Ватанга меҳр, миллий меросга ҳурмат, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллик туйғуларини шакллантиришда синфдан ташқари фаолиятнинг ўрни беқиёсдир. Экскурсиялар, ижодий лойиҳалар, маънавий-маърифий учрашувлар, театрлаштирилган ўйинлар ва китобхонлик тадбирлари ўқувчиларнинг ҳиссий таассуротларини бойитиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради ҳамда ватанпарварлик руҳини барқарор равишда мустаҳкамлайди.

Таҳлиллар шунни ҳам кўрсатадики, синфдан ташқари ишлар юқори самара бериши учун улар методик жиҳатдан тўғри режалаштирилиши, педагог томонидан инновацион технологиялар билан бойитилиши ва болаларнинг ёш имкониятларига мос равишда ташкил этилиши муҳимдир. Системали, мақсадли ва мазмунли фаолият натижасида ўқувчиларда фаол фуқаролик позицияси, Ватанга садоқат, ижтимоий масъулият ва миллий ғояларга ҳурмат туйғулари қарор топади.

Умуман олганда, синфдан ташқари фаолиятни педагогик жиҳатдан самарали йўлга қўйиш бошланғич синф ўқувчиларининг шахсий ва маънавий камолоти учун мустаҳкам замин яратади. Ушбу тадқиқот таълим амалиётида ватанпарварлик тарбиясининг янги, инновацион ва ўзига хос механизмларини татбиқ қилишга туртки беради ва келгусида ушбу йўналишдаги илмий изланишлар учун муҳим назарий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев, Ш. (2018). Бошланғич синфда ватанпарварлик тарбияси методикаси. Тошкент: Ўзбекистон педагогика университети нашриёти.
2. Исломов, Ф. (2020). Маънавий-маърифий тадбирлар ва синфдан ташқари фаолият. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти.

3. Назаров, А., & Ҳамидова, М. (2019). Болаларда миллий ғояларни тарбиялаш усуллари. Тошкент: Илмий-педагогик журнал, №3, 45–52-бетлар.
4. Педагогик қонунлар ва методик тавсиялар. (2017). Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Таълим вазирлиги.
5. Саидова, Л. (2021). Синфдан ташқари ишларда ижодий лойиҳаларни ташкил этиш. Тошкент: Мактаб нашриёти.
6. UNESCO. (2015). Education for Sustainable Development and Citizenship Education. Paris: UNESCO Publishing.
7. Ахмедов, Р. (2016). Психология ва таълим: Бошланғич синфдаги фаолиятнинг аҳамияти. Тошкент: Ўзбекистон психология журнали, 12(2), 34–41-бетлар.
8. Ҳамидов, Д. (2020). Маданий мерос ва ватанпарварлик тарбияси. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти.
9. Boakye, K., & Mensah, J. (2018). Integrating Civic Education in Primary Schools: Strategies and Outcomes. *Journal of Educational Research*, 61(4), 210–225.
10. Jones, P. (2017). *Extracurricular Activities and National Identity in Primary Education*. London: Routledge.